

“Ал-Азҳар” кутубхонаси тажрибалари ўрганилди



15:00 / 28.01.2019 2311

Миср давлатида хизмат сафарида бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирлари Муҳаммад Аюбхон домла Ҳомидов ва Камолиддин Маҳкамов Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси вакиллари ҳамроҳлигида ал-Азҳар кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ҳақда muslim.uz хабар бермоқда.

Хабар давомида Ал-Азҳар кутубхонаси мудирини Абдулмажид Аҳмад Абдуллатиф ва малакали мутахассислардан ноёб асарларни сақлаш, таъмирлаш, электрон нусхаларини олиш ва фойдаланиш тартиблари борасидаги кўп йиллик тажрибалар ўрганилгани айтилган.

Жаҳон миқёсида ноёб ҳисобланган Миср давлатидаги йирик кутубхоналар, илмий тадқиқот марказлари ва музейларнинг бой тажрибаларини ўрганиш, амалда қўллаш жуда ҳам катта фойда беришига ишонч билдирилган.





